

## МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР МУВОЗАНАТИНИ ТАЪМИНЛАШ – БАРҚАРОРЛИК ГАРОВИ

**Жўрабоев Н.Ю.,**

ТДТрУ доценти

**Исмоилова К.У.,**

ТДТрУ талабаси

**Эшмуратова Г.Б.,**

ТДТрУ талабаси

### АННОТАЦИЯ

*Мазкур мақолада миллатлараро тотувлик ғояси таҳлил қилинган. Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўлини ишлаб чиқишида миллий сиёсатга қаратилган эътибор, мамлакатимизда миллатлараро барқарорликни сақлашнинг ҳуқуқий асослари ҳақидаги фикр-мулоҳазалар баён қилинган.*

**Калит сўзлар:** *Миллат, миллатлараро тотувлик, толерантлик, бағрикенглик, миллий маданий марказлар, дўстлик жамияти, миллий концепция, миллий ҳамкорлик.*

### ABSTRACT

*This article analyzes the idea of interethnic harmony. From the first years of independence, the focus on national policy in the development of Uzbekistan's unique development path, opinions on the legal basis of maintaining inter-ethnic stability in our country have been described.*

**Key words:** *Nation, inter-ethnic harmony, tolerance, tolerance, national cultural centers, friendship society, national concept, national cooperation.*

### КИРИШ

Миллатлараро тотувлик ғояси сайёрамизда яшаётган 1600 дан зиёд этник гуруҳларнинг тенг ҳуқуқлилиқ, ўзаро ҳурмат ва ҳамкорлик асосида тинч-тотув яшаш ғоясидир.. У барча миллат ва элатларни тили, урф-одати, анъаналари, байрамлари ривожланишини талаб этади. Мустақилликнинг илк кунлариданоқ миллий сиёсатнинг ўзига хос йўли ишлаб чиқилдики, айти шу сиёсат миллий бағрикенгликнинг барқарор ривожланишига замин яратди.

Ўзбекистонда яшовчи турли миллат вакиллариининг маданий эҳтиёжларини қондириш учун миллий маданий марказлари фаолият юрита бошлади. Дастлабки миллий маданий марказлар корейслар, қозоқлар, яҳудийлар, арманлар томонидан республика вилоятларида 1989 йилда ташкил этилган эди. Бу

марказларнинг чинакам ривожланиши ва равақ топиши Ўзбекистоннинг мустақилликка эришгандан кейин бошланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 13 январдаги қарори билан ташкил этилган Республика Байналмилал марказлар маркази эса ушбу миллий маданият марказлар фаолиятини мувофиқлаштириб, уларга ёрдам кўрсатади.

Бугунги кунда Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси мамлакатимизда фаолият юритаётган 150 та миллий маданий марказ, 38 та дўстлик жамияти ва хориждаги ватандошларнинг 38 та жамияти билан ҳамкорлик қилиб келаётганлигини таъкидлаш керак. Бугунги кунда Республика байналмилал маданият маркази мамлакатда яшаётган турли миллат вакиллариининг маънавий-маърифий мулоқот масканига, зига хос дўстлик уйига айланган.

Ўзбекистонда мамлакат Президенти раҳбарлигида Ўзбекистон Республикаси давлат суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини мустаҳкамлаш, жамиятда миллатлараро тотувлик ва бағрикенгликни янада кучайтириш, юртимизда истиқомат қилаётган халқларнинг этник-маданий ўзига хослигини сақлаб қолиш, жинси, ирқи, миллати, тили ёки диний мансублиги ва ижтимоий келиб чиқишдан қатъи назар камситишларга йўл қўймасликка қаратилган самарали чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

## **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Миллатлараро муносабатлар соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири - жамиятда юзага келиш эҳтимоли бўлган келишмовчиликлар ва низоли вазиятлардан эрта огоҳ қилиш ва уларнинг олдини олиш бўйича фаолиятни ташкил этиш учун асос сифатида миллатлараро муносабатларнинг ҳолатини мунтазам мониторинг қилиш ҳисобланади. Хусуан, "Ижтимоий фикр" республика жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази мамлакатда бағрикенгликка асосланган миллатлараро муносабатлар маданияти, миллатлараро муносабатларнинг ҳолати ва ривожланиш тенденцияларини аниқлаш ҳамда Ўзбекистонда истиқомат қилаётган турли миллатлар вакиллари тенг ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминланиши даражаси тўғрисида ўзбекистонликларнинг фикрини ўрганиш мақсадида ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг "Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармонида мувофиқ, "Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар жамоатчилик фикри кўзгусида" мавзусидаги комплекс социологик тадқиқотларни ҳар йили мониторинг тартибида ўтказиб келади. Тадқиқотлар натижалари давлатнинг миллий сиёсати, жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий-

сиёсий барқарорлиги, мамлакат фуқароларининг хайрихоҳлиги, этник ва диний бағрикенглик фуқароларнинг миллатлараро ва фуқаролик тотувлигининг асосий омиллари эканлигидан далолат бермоқда.

2019 йилнинг 15-ноябрида қабул қилинган “Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикасида давлат сиёсати концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг фармонида (ПФ-5876-сон) соҳага доир қуйидаги муҳим жиҳатлар алоҳида таъкиблаб ўтилган:”Сўнгги йилларда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири — жамиятда миллатлараро тотувлик ва бағрикенгликни таъминлаш, дўстлик муҳитини ва кўп миллатли катта ягона оила туйғусини мустаҳкамлаш, ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат билан қараш руҳида тарбиялаш, хорижий мамлакатлар билан маданий-маърифий алоқаларни кенгайтиришга йўналтирилган кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қоидалари турмушга фаол татбиқ этилмоқда, бу қоидалар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари миллатидан қатъи назар Ўзбекистон халқини ташкил этишини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ўзининг ҳудудида яшовчи миллат ва элатларнинг тили, урф-одати ва анъаналарига ҳурмат билан муносабатда бўлишни, уларни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратилишини эълон қилади ва кафолатлайди”. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасида шундай дейилган:”Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади”. Ёки, Конституциямизнинг 19-моддасида:” Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар”. – деб қайд этилган.

Фуқароларнинг ушбу ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси ташкил этилган бўлиб, у ўз фаолиятини юритмоқда ҳамда жамиятда миллатлараро тотувлик ва бағрикенгликни таъминлаш бўйича давлат сиёсатини изчил амалга ошириб келмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда яшаб келаётган 130 дан зиёд миллат ва элатларнинг вакиллари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва

қонунлари тақдим этган тенг ҳуқуқ ва имкониятлардан фойдаланиб, иқтисодийнинг турли тармоқларида ва ижтимоий соҳада, илм-фан ва маданият соҳаларида самарали меҳнат қилиб, Ватанимизнинг гуллаб-яшнашига ва унинг мустақиллигини мустаҳкамлашга, республиканинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва имижини оширишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Амалга оширилаётган устувор йўналишлар суръатини, кенг қўламли демократик ислоҳотларни, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий жиҳатдан эркинлаштириш ва жамият ҳаётининг бошқа жабҳаларида эришилган салмоқли муваффақиятлар таҳлили Ўзбекистон халқи ягона ғоя — Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича олийжаноб мақсадлар ва ғоят муҳим вазифаларга эришишдан иборат ягона мақсад атрофида бирлашганлигини таъкидлаш учун барча асосларни беради.

Шу билан бирга, халқаро ва минтақавий муносабатларда давом этаётган глобаллашув ва трансформация, дунёда иқтисодий, сиёсий, миллий, диний ва бошқа зиддиятлар кучайиб, ахборот ва кибермаконларида қарама-қарши кураш ортиб бораётган бир шароитда миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада ривожлантириш соҳасида ўз ечимини тақозо этаётган бир қатор долзарб масалалар сақланиб қолмоқда, қуйидагилар шулар жумласидан: миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада ривожлантириш соҳасида давлат органлари ва ташкилотларининг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлик даражасини янада ошириш; жамиятда юзага келиши мумкин бўлган можароли вазиятлар ва ихтилофларнинг барвақт олдини олиш ва уларни профилактика қилиш бўйича фаолиятни ташкил этиш асоси сифатида жойларда миллатлараро муносабатлар ҳолатини мониторинг қилиш тизими ва механизмларини йўлга қўйиш; миллатлараро муомала маданиятини тарбиялаш, Ўзбекистон халқининг тарихи ва анъаналарини ўрганиш бўйича таълим, ахборот ва маданий-маърифий чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш; миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада ривожлантириш соҳасида давлат органлари мутахассисларини, шунингдек, бошқа ташкилотлар ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш борасидаги ишларни такомиллаштириш.

Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатини изчил амалга ошириш ва янада такомиллаштириш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор

Йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ қуйидагилар миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг асосий йўналишлари этиб белгиланган: миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада ривожлантириш соҳасида Ўзбекистон Республикасининг давлат сиёсатини амалга ошириш жараёнида давлат органлари ва ташкилотларининг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан, шу жумладан оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлиги механизмларини такомиллаштириш; миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада ривожлантириш, республикамизда яшаб турган турли миллат ва элат вакилларининг тили, маданияти, анъаналари ва урф-одатларини сақлаш ва ривожлантириш соҳасида Ўзбекистон Республикасининг давлат сиёсатини самарали амалга ошириш учун қўшимча ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар яратиш; жамиятда кўп миллатли катта оила ҳис-туйғусини, республикамизда яшаётган турли миллат ва элат вакиллари ўртасида дўстлик ва тотувликни янада мустаҳкамлаш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш, уларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари камситилишига йўл қўймаслик; миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлаш, мамлакат ҳудудида ва ундан ташқарида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида халқаро ҳамкорликни ва чет мамлакатлар билан дўстона алоқаларни ривожлантириш, ватандошларни қўллаб-қувватлаш ва хориждаги ўзбек диаспоралари билан яқин ҳамкорлик қилиш, Ўзбекистоннинг жаҳон майдонидаги обрў-эътибори ва имижини ошириш; Ўзбекистон Республикасининг давлат ва жамиятни ривожлантиришдаги устувор мақсадларни, илғор хорижий тажрибани эътиборга олган ҳолда миллатлараро муносабатларнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда амалга оширилаётган миллий сиёсат умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ меъёрларига ҳамоҳанг ҳолда Ўзбекистонда истиқомат қилувчи барча миллат вакилларининг ўзаро тотувлигини таъминлаб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: "Бағрикенглик ва инсонпарварлик маданиятини ривожлантириш, миллатлараро ва фуқаролараро ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, ёш авлодни шу асосда Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш Ўзбекистонда давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир».

### **Фойдаланилган адабиётлар (REFERENCES)**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (Янги таҳрири). –Т., 2023 й.
2. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Т., 2021 й.
3. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”. – Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони (07.02.2017 й., ПФ-4947-сон).
4. “Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикасида давлат сиёсати концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”. - Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони (15.11. 2019 й., ПФ-5876-сон).
5. Муртазаева Р.Ҳ. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва бағрикенглик. – Т., 2010 й.